

---

## Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олинди

Қаҳҳоржон ота Маърупов, Абдусалом ота Нуриддинов ва Тўланбой ота Шокировлар Иккинчи Жаҳон урушининг Олтиариқлик тирик афсоналаридир! Наврўз байрамида меҳр-оқибат, инсонийлик фазилатлари янада намоён бўлади. Бугун Олтиариқ тумани ҳокими Шамсиддин Турдалиев тумандаги сектор раҳбарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан биргаликда Олтиариқлик Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчилари хонаданида бўлиб, уларни Наврўз байрами билан табриклади. Мард ва жасур боболарга байрам совғалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Иккинчи жаҳон урушида озодлик учун кураш олиб борган ва юз билан юзлашаётган бу нуронийлар мазмунли суҳбат давомида юртимизда муҳтарам Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оламшумул ислоҳотларни ўз ҳаётларида сезаётганликларини, ҳамиша эъзозу эҳтиромда эканликларини фахр билан таъкидладилар. Шунингдек, қўлларини дуога очиб, мамлакатимиз ҳамиша тинч ва фаровон бўлишини Яратгандан сўрадилар.

2022-03-25 18:27:20